



УДК: 636.2: 636.081.

**Турли селекцияга мансуб голштин зотли қорамоллар  
урчитилаётган “Наврӯз-наслчилик” чорвачилик мажмуаси**

**Гулбутаев Бекмурод Хушмурод ўғли,**

Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети асистенти

**Жумаева Нодира Чориевна**

Зооинженерия таълим йўналиши талабаси

**Аннотация.** В статье освещены данные о природно-климатических условиях поголовья крупного рогатого скота, производства продуктов животноводства в животноводческом комплексе «Навруз-наслчилик» Термезского района Сурхандарьинской области, где разводится голштинская порода разных селекций.

**Annotation.** The article presents an analysis of the study of the natural and economic conditions of the Navruz-pedigree livestock complex in Termez district of Surkhandarya province, the number of cattle and livestock production and other indicators of breeding Holstein cattle of different breeds.

**Калит сўзлар:** чорвачилик, голштин зоти, сут, гўшт, лактация, селекция, сигир, озуқа, зот, силос, сенаж, рацион.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги “Мамлактнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва 2020 йил 29 январдаги “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4576 қарорларида белгилаб берилган вазифаларни ижросини таъминлаш долзарб бўлиб ҳисобланади [1]

Республикамиз аҳолисининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаби ошиб бораётган бугунги кунда уларнинг эҳтиёжларини қондириш, чорвачиликни маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришни тақозо этмоқда. Бунинг учун кейинги йилларда республикамиз худудига ҳар хил йўналиш турли селекцияга мансуб қорамолларнинг гуножинлари олиб келинмоқда.

Республикамида яхшиловчи муҳим зотлардан бири голштин зоти ҳисобланади. Бу зот нафақат республикамида, балки дунёнининг барча қитъаларида тарқалган бўлиб, бу зотга хос қорамоллар юқори даражадаги сут ва гўшт маҳсулдорликни намоён қиласди. Сигирларнинг елин ва пуштдорлик хусусиятлари, озукани сут ва гўшт билан қоплаш даражаси, ёш қорамолларнинг жадал ўсиш кўрсаткичлари ва бошқа бир қатор муҳим хўжалик фойдали белгилари билан ажралиб туради. [2,3]

Бу зотни ирсий имкониятларини юзага чиқаришда, нафақат тўла қийматли озиқлантириш, балки селекция-наслчилик ишларини яхшилаш, айниқса турли селекцияга мансуб голштин зотли қорамолларнинг авлодларини насл сифати бўйича баҳолаш, яхшиловчи насл тоифасига эга наслдор буқалардан кенг фойдаланган ҳолда юқори маҳсулдор сигирлар подасини яратиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. [6]

**Тадқиқотнинг мақсади.** Илмий тадқиқотлар ўтказадиган хўжаликни табиий-иктисодий шарт-шароитларини ўрганиш, уларда урчитилаётган мавжуд қорамолларнинг бош сонлари, бузоқ олиш, маҳсулдорлик ва бошқа кўрсаткичларини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотларни обьекти ва услуби.** Тадқиқот обьекти “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфидаги “Навруз-наслчилик” чорвачилик мажмуаси бўлиб, зоотехникавий хужжатлар асосида таҳлилий усуллардан фойдаланилди.

**Олинган натижалар муҳокамаси.** Ушбу мажмуа 2008 йил 12 майда ташкил топган. Бугунги кунда мажмуада жами 769,2 гектар ер майдони, шундан 669,2 гектар экин майдонини ташкил қиласди.

Чорвачиликни ривожлантириш учун, албатта, унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш муҳим бўлиб ҳисобланади.

Шуни ҳисобга олиб, ўтган 2020 йилда жами 669,2 гектар экин майдонга ем-хашак экинлари экилган, шундан 208 гектар беда, 300 гектарга оралиқ экинлар (Сули, арпа), 79,5 гектарга силос ва дон учун маккажӯҳори ва 25 гектарга хашаки лавлаги ва сабзи экилган ҳамда ушбу майдонлардан юқори хосил олинган.

Мажмуа 2020-2021 йил чорва қишлови учун 276 тонна беда пичани, 5238 тонна беда ва оралиқ экинлардан сенаж, 1100 тонна силос,

760 тонна хашаки лавлаги ва сабзи ҳамда 35 тонна маккажӯхори дони жамғарилган.

Ўрганиш жараёнида мажмууда силос ва сенаж бостириналари бетонлаштирилган бўлиб, силос ва сенаж тайёрлаш олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган технологиялардан тўлиқ фойдаланилган [4,5].

Мажмууда четдан келтирилган турли селекцияга мансуб голштин зотларнинг ва уларни авлодларининг ирсий имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун тўла қийматли озиқлантириш ва мақбул асрар шароитлари яратилган.

Мажмуудаги мавжуд жамғарилган ем-харакат миқдорлари ва қорамолларни белгиланган меъёрларга асосан тўла қийматли рацион асосида озиқлантириш талабларига тўлиқ жавоб беради.

Мажмууга 2008-2010 йилларда Германия Федератив Республикаси, Польша ва Белоруссия Республикаларидан жами 510 бош наслли қорамоллар (ғуножин) олиб келинган.

Хозирги кунда мажмууда мавжуд жами сигирларнинг 70,6 фоизи Германия селекциясига мансуб, 18,0 фоизи Польша селекциясига мансуб ва 11,4 фоизи Белоруссия селекциясига мансублиги аниқланди. Улардан олинган қочириш ёшидаги тана ва сигирлар хориждан келтирилган юқори маҳсулдор буқалар уруғлари билан сунъий уриглантирилмоқда.

Мажмууда 2021 йил 1 январ ҳолатига жами 1208 бош қорамол, шундан 340 бош сигир (28,2%) сигир ташкил қиласди (1-жадвал).

#### **1-жадвал**

**Сурхондарё вилояти, Термиз туманидаги “Наврӯз-наслчилик”  
чорвачилик мажмуасидаги қорамолларнинг пода таркиби**

**(01.01.2021 йил)**

<b>№</b>	<b>Қорамоллар гурӯҳи</b>	<b>Сони, бош</b>	<b>Салмоғи, %</b>
1	Сигирлар	340	28,2
2	Наслли буқа	0	0
3	Ғунажинлар	39	3,2
4	2 ёшдан катта урғочи таналар	130	10,8

5	1-2 ёшгача ургочи таналар	166	13,7
6	6- ойдан 1 ёшгача бўлган таналар	161	13,3
7	6 ойгача бўлган бузоқлар	50	4,1
8	Жами эркак қорамоллар	322	26,7
<b>Жами</b>		<b>1208</b>	<b>100, 0</b>

1-жадвал маълумотларидан кўринишича, жами қорамолларда уруғочи моллар сони 866 бош ёки 73,3 фоизни ташкил қилади, бу эса қорамоллар пода таркибидаги сигирлар салмоғини оширишга имконояти юқорилигини кўрсатмоқда.



1 расм. “Навруз-наслчилик” чорвачилик мажмуасида сигирларни озиқлантириш.

**Research Science and  
Innovation House**

Мажмуада белгиланган озиқлантириш схемасига бузоқларни табиий сут ичиш даври 90 кун яъни 3 ой қилиб белгиланган. Шу давр мобайнида ҳар бош бузоқ 550 кг. табиий сут ичиши аниқланди. Бузоқларни зоотехникавий меъёрлар асосида озиқлантирилмоқда натижасида 6 ойликда уларнинг тирик вазни 160-170 кг, 12 ойлигига 260-270 кг ва 16-17 ойга бориб 350-360 кг га етказилганлигини кузатдик.



**2 расм. Хўжаликда урчитилган 1532 рақамли ғуножин,  
тирик вазни 425 кг.**

Мажмуадаги зоотехния журналларидағи маълумотларни ўрганиш шуни кўрсатдики, таналар биринчи марта 16 ойлигига 350-360 кг тирик вазнда сувний уруғлантирилганлиги аниқланди.

Мажмуанинг хисоботларига кўра, 2020 йилда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва маҳсулдорлик ва бузоқ олиш кўрсаткичлари йилдан йилга кўпайганлигини кузатдик (2-жадвал).

**2-жадвал**

**“Наврӯз-наслчилик” чорвачилик мажмуасида чорвачилик  
маҳсулотлари ишлаб чиқиш холати  
(01.01.2021 йил)**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2019 йил</b>	<b>2020 йил</b>	<b>Фарқи, ±</b>
1	Сут ишлаб чиқиш, тонна	815,1	837,6	22,5
2	Ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут, кг	4360	4650	290
3	Жами сотилган қорамол, бош	240	300	60
4	Шундан аҳолига наслли қорамол сотиш, бош	6	30	24
5	Гўшт учун сотилган қорамол, бош	234	270	36
6	Гўшт ишлаб чиқариш, тонна (тирик вазда)	142,1	172,8	30,7
7	Ўртacha тирик вазни, кг	611	640	29
8	Жами бузоқ олиш, бош	290	294	4
9	Ҳар 100 бош сигирдан, бош	90	92	2
10	Жами олинган қўшимча вазн, тонна	125,4	140,6	15,2
11	Ўртacha кунлик ўсиш, грамм	710	746	36

2-жадвал маълумотларидан кўринишича, мажмуада 2020 йилда сут ишлаб чиқариш 22,5 тоннага (2,7%), гўшт ишлаб чиқариш, тирик вазнда 30,7 тоннага (17,8%) кўпайган. Ҳар бир сигирдан лактация давомида ўртacha 4650 кгдан сут соғиб олинган ёки, ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш 290 кг га ошган. Гўштга сўйилган қорамолларнинг ўртacha тирик оғирлиги 640 кг ни ташкил қилган.

Шунингдек, 2020 йилда 294 бош бузоқ олинган ёки ҳар бир сигирдан 92 бош бузоқ олиш эришилган.

**Хулоса.** Олинган маълумотларидан кўриниб турибдики, мажмуада Германия, Польша ва Белоруссия селекциясига мансуб голштин зотли қорамолларнинг бош сонлари, маҳсулдорлик кўрсаткичлари талаб даражасида ва уларни озиқлантириш учун етарли имкониятлар мавжуд.

Таҳлилий маълумотлар шуни кўрсатдики, мажмуада илмий тадқиқотлар олиб бориш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4576 қарори. Тошкент 2020 йил 29 январ.
2. Аширов М.Э. Сутдор қорамоллар селекцияси. Тошкент, 2017 йил, 198-221 б.
3. Аширов М.И. ва бошқалар. Разведение голштинского скота в Узбекистане. 2020 йил.
4. Қўзибаев Ф.А. Ш. ва бошқалар. Сут йўналишидаги қорамолчиликга ихтисослашган “Наврўз-наслчилик” чорвачилик мажмуаси // Chorvachilik va naslchilik ishi журнали. Тошкент, 2019 йил, №01, 28-29 б.
5. Содикова Ч.С. ва бошқалар. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар //Chorvachilik va naslchilik ishi журнали. Тошкент 2021 йил, №01, 14-15 б.
6. Рўзибаев Н.Р. ва бошқалар. Ирсий салоҳияти юқори наслли молларни парваришлаш ва қўпайтириш бўйича тавсилар. <https://agro.uz/>

# Research Science and Innovation House